



Қарши Воҳаси Миллий Либослари Урф-Одат Ва Маросимларидаги Ўрни

Усмонова Дилнура Алихон қизи

Қарши давлат университети тарих йўналиши талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада Қарши воҳасининг миллий либослари ва уларнинг урф-одати ҳамда маросимлардаги ўрни ўрганилади. Худуднинг иқлимий ва тарихий шароити иқтисодий ҳаёти миллий либосларининг шаклланишига таъсири таҳлил қилинади. Қарши воҳасидаги турли туманларида кийим-кечаклар беағзи, ранги ва матоси маросимларнинг турига қараб кийилганлигини воҳа аҳолиси ўз урф-одатлари ва қадриятларини ифода этиб келганлиги баён этилади.

Таянч сўзлар: маросимий ва анъанавий либослар, Қарши воҳаси, хунармадчилик, атлас, адрас, бахмал, қадриятлар.

Қарши воҳасининг миллий либослари тарихий жараёнлар, этник грухлар ўзаро таъсири ва худудий хусусиятлар натижасида шаклланиб воҳа аҳолисининг қадриятларини ифода етувчи муҳим маданий белгига айланган. Халқ урф-одатларида никоҳ ва суннат тўйлари, ҳосил йиғими каби маросимларда миллий либослар жамиятнинг ижтимоий тузулиши иштирокчиларнинг ёши ва мақомини кўрсатиб берувчи восита бўлиб хизмат қилган.

Президентимиз қарорларида миллий либосларни, матоларни ва урф-одатларни асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ипакчилик ва миллий матолар саноатини ривожлантириш улар орқали халқимизнинг тарихий маданияти ва қадриятларини намоён етиш бўйича чора-тадбирлар кучайтирилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек “Миллий либосларимиз ўзига хос нақшлари ва шакллари билан халқимиз тарихий хотирасининг ажралмас қисмидир”. Ва шу қарордан сўнг президентимиз ташаббуси билан ҳар жума куни миллий маданиятни асраш ва уни тарғиб қилишга қаратилган давлат сиёсатининг бир қисми сифатида кўрилади. Бу қарордан сўнг ўзбек аёлларига миллий либосларимиз ярашишига яна бир исбот бўлди.

Аёллар либосида кўпроқ атлас, адрас, бахмал матолар ишлатилган. Бу матолар Қарши ва Косон туманларидаги хунарамандлар томонидан тайёрланган. Миллий либослар деганда энг аввал кўз ўнгимизда аёллар либоси келиши ҳақиқат. Аммо эркаклар либосида ҳам миллийлик бўлган ва сақланиб қолган. Чопон, дўппи, белбоғ, пўстин, яқтак каби кийимлар эркакларда маросимий либос сифатида қадрланган.

Белбоғ ҳимоя рамзи сифатида кўрилган. Кўпинча тўй, таъзия, ҳосил йиғими маросимларида эркаклар белига албатта белбоғ боғланган. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки деҳқон боболаримизнинг ҳам белидаги белбоғ ҳимоя вазифасини ўтаган.

Дўппи нақшлари – ҳар бир туманда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Эркаклар дўпписини асосий нақши қора қошли дўппи бўлади. Аёллар дўпписи еса ранг-баранг, масалан Косон дўпписи гулли, Қарши дўпписи геометрик нақшли рангли бўлади. Қиматбаҳо тақинчоқлар ҳам маросимий либосларнинг ажралмас қисми бўлган. Тўй маросимида келин кўпроқ кизил рангдаги атлас кўйлак кийган, бу бахт ва барака тимсоли ҳисобланган.

Суннат тўйида эса бола учун махсус ўтказилган дўппи, камзул (энгил кўйлак) тайёрланган. Ҳосил йиғими каби байрамларда эркаклар кўпроқ миллий белбоғ ва чопон



кийса, аёллар атлас матодан тикилган кўйлақларни афзал кўрган. Белбоғ куч ва химоя рамзи сифатида боғланган.

Қашқадарё воҳаси маросимларида либос ва таомлар нафақат естетик балки рамзий аҳамиятга эга бўлиб улар орқали худуд аҳолисининг дунёқараши қадриятлари ифода этади (Бўриев О. Марказий Осиё халқлари этнологияси. 132-бет)

Миллий либослар маросимларда иштирокчиларнинг ёшини, ижтимоий мавқеини, оилавий мақомини кўрсатиб берган. Либослар орқали воҳа аҳолиси ўз қадриятларини, урф-одатларини ифода этган. Мисол учун либослардаги безаклар, гулли нақшлари воҳанинг гўзаллигини, зарли иплар бойлик ва қудрат белгиси сифатида маросим либосларига тикилган. Қарши воҳасининг миллий либослари тарихий, ижтимоий ва маросимий ҳаёт билан чамабарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг ранги безаги ва шакли халқнинг қадриятларини акс эттирган. Тарихий манбаларда воҳа аҳолиси ипакчилик ва пахтачилик маҳсулотларидан тайёрланган матолардан фойдаланиб миллий либослар яратгани қайд этилади. Жумладан Косон, Қарши, Чирокчи ҳунармандлари ишлаб чиқарган атлас, адрас ва бахмал матолар миллий либос тикишда асосий ўрин эгаллаган.

XIX–XX аср бошларида воҳа либослари иқлим шаротига мос равишда қалин пахтали матолардан, ёзги либослар еса юпка атлас ва адрасдан тайёрланган. Либослар ўз шакли ва матоси билан нафақат иқлимга балки маросимнинг аҳамиятига кўра танланган. Косон туманида атлас либослар жуда ранг–баранг бўлиб, гулли нақшлар кўп ишлатилган. Касби ва Миришкор туманларида кўпроқ оддий, табиий матодан либослар ишлатилган. Уларнинг кийими асосан чорвачилик ҳаёти билан боғлиқ бўлган. Қарши шаҳри ва атрофида маросим либослари кўпроқ безакли, бош кийимлари зар билан ишланган.

Қашқадарё воҳасининг либослари турли маросимларда одамларнинг ёшига ижтимоий мавқеига қараб танланган бўлиб, кўпинча атлас, бахмал, адрас каби матолар ишлатилган (Ҳайдаров Б. Қашқадарё тарихий этнографик хусусиятлари. ҚарДУ хабарлари, 2017. 89-бет).

Ўзбек миллий либослари халқимизнинг тарихий турмуш тарзини урф-одатларини, иқлим шароитини ва ҳунармандчилигини ўзида акс эттиради. Ҳар бир худуд ўзига хос безак ва шаклга эга бўлган миллий кийимлар билан ажарлиб туради (Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. – Тошкент: 1994. 145-бет).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бўриев О. Марказий Осиё халқлари этнологияси. 132-бет.
2. Ҳайдаров Б. Қашқадарё тарихий этнографик хусусиятлари. ҚарДУ хабарлари, 2017. 89-бет.
3. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. – Тошкент: 1994. 145-бет.